O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2004 йил 10 декабрь, № 254 (3529) Жума


## Қўшма корхона иш бошлади





*Гулистон шаҳрида "Сайхунмедтекс" — Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси иш бошлади. Лойиҳа қиймати 16,16 миллион АҚШ долларини ташкил этган ушбу корхона цехларига Германиянинг энг илғор "Шляхфорст", "Фолькман", "Цинзер" каби фирмаларининг ускуналари ўрнатилган.*

*Корхонанинг ишга туширилиши билан Гулистон шаҳри ва атроф қишлоқларда яшовчи 400 нафардан зиёд ёшлар доимий иш билан таъминландилар.*

**М. ХОЛМАТОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** оператор Нилуфар Мусаева; қўшма корхонада иш қизғин.
**С. ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар**

## ЮКСАК МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Энг улуғ, энг азиз байрам — истиқлолнинг 13 йиллиги арафасида Президент Ислом Каримов Фармонлари билан турли соҳаларда фаол меҳнат қилаётган ҳамюртларимизнинг катта гуруҳи Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан мукофотланган эдилар.

Конституциямизнинг 12 йиллиги арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, вазирлик ва идораларда ана шу мукофотларни топшириш маросимлари бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган тадбирда кўп йиллик самарали фаолияти билан саноат, қурилиш, транспорт каби соҳаларни ривожлантиришдаги салмоқли ҳиссаси учун тақдирланган бир гуруҳ ватандошларимизга Ватаннинг юксак мукофотлари топширилди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов топширди.

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз, айниқса, ёшлар онгида юртга садоқат, фидойилик ғояларини сингдиришда оммавий ахборот воситаларининг, маънавият ва маърифат ҳамда санъатнинг аҳамияти беқиёсдир. Ўзбек Миллий академик драма театрида ана шу соҳа ходимларидан бир гуруҳига Ватанимиз мукофотлари топширилди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов топширди.

Республикамиз Қуролли Кучларининг жанговар ва сиёсий тайёргарлигини ошириш, давлатимиз ва халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этишда мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатганлиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун бир гуруҳ ҳарбийлар фахрли унвонлар, орден ва медалларга сазовор бўлган эдилар.

Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар уйида уларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ.Ғуломов топширди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Фанлар академияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Халқ таълими вазирликлари, "Олимпия шон-шуҳрати" музейида ва бошқа вазирликлар, компания, концерн, уюшма ва ташкилотларда ҳам ана шундай тантанали маросимлар бўлиб ўтди.

Юксак мукофот соҳиблари бўлган юртдошларимиз меҳнатлари муносиб тақдирлангани учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик билдирдилар.

**(ЎзА).**

## КОНСТИТУЦИЯ БАЙРАМИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Юртимиз бўйлаб Бош Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Мамлакатимизда қонун устуворлиги давлатимиз сиёсатининг асосий тамойилларидан бири саналади. Бинобарин, Асосий қонун юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ, бурч ва эркинликлари, фаровон ҳаёти, тинчлиги ва тенглигини кафолатлайди.

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Конституция куни муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда ҳам шу хусусда сўз борди. Тадбирда иштирок этган мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Бош қомусимизда асослаб берилган масалалар, кўрсатма ва тамойилларнинг ҳаётимизга чуқур татбиқ этишнинг аҳамияти хусусида алоҳида тўхталиб ўтди.

Конституция байрами Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда муносиб нишонланди. Тантаналарда жамоатчилик вакиллари, идора ва ташкилотлар раҳбарлари қатнашдилар. Байрам тадбирларида Конституциямиз ва унда белгиланган тамойиллар, илгари сурилган эзгулик, инсонпарварлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик, дўстлик ва тенглик ғоялари ҳамда уларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида амалга оширилаётган кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари, ҳаётимизнинг турли соҳаларида қўлга киритилаётган улкан ютуқлар, рўй бераётган ўзгаришлар алоҳида таъкидланди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги ҳамда Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида Президент Ислом Каримов Фармонларига мувофиқ тақдирланган, мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган юртдошларимизга ана шу юксак мукофотлар топширилди.

Тақдирланганлар юксак эътибор учун Юртбошимизга чуқур миннатдорлик изҳор этиб, Ватанимиз тараққиёти йўлида куч-ғайратларини аямасликларини билдирдилар. Тадбирларда вилоятлар бадиий жамоалари, юртимизнинг таниқли санъаткорлари ижросидаги куй-қўшиқлар янграде.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Бош вазирнинг ўринбосарлари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари ҳамда вилоятлар ҳокимлари топширдилар.

**(ЎзА).**

## Халқ соғлиғи — юрт бойлиги

*Мустақил ривожланиш йўлидан бораётган Она-Ўзбекистонимиз ҳаётида, ижтимоий турмуш тарзида бири-биридан гўзал, янги анъаналар вужудга келиб, тобора мустаҳкам қарор топиб бормоқда. Биз шу янги анъаналардан фақат биттасини тилга олмоқчимиз, холос.*

Истиқлол даврида, Президентимиз ташаббуси ва таклифлари асосида, ҳар бир янги йилни алоҳида ном билан кутиб оламиз ва шунга биноан ҳар йили ижтимоий ҳаётнинг бирон-бир соҳасини юксалтиришга қаратилган йирик Давлат дастури қабул қилинади ҳамда мамлакатда катта инсонпарварлик тадбирлари мажмуалари амалга оширилади. Мамнуният билан айтамизки, ўтган йиллар мобайнида мана шу тарзда, миллионлаб ўзбекистонликлар манфаати, оилалар тотувлиги, соғлом авлод камолоти, она ва бола ҳимояси, қарияларнинг қадрига етиш, маҳаллалар ва хонадонлар ободлиги, кишилардаги меҳр-мурувват, ўзаро оқибат ҳис-туйғуларини янада ривожлантириш борасида ҳар қандай таърифу тавсифлардан юқорида турадиган, беҳад улуғ ишлар қилинди.

Халқимиз айни кунларда ана шундай фараҳли йиллардан бирини бошдан кечирмоқда. Бу йилимиз Меҳр ва мурувват йили деб аталади. Ушбу йилда юртимизда худди шу мақсадга қаратилган яна бир кенг қамровли Давлат дастури амал қилмоқда.

2004 йил, бутун моҳият эътибори билан, миллатимизнинг энг эзгу ва қадимий анъаналаридан бирини давлат миқёсида улуғлаган, меҳр-мурувват ҳисларининг инсоний куч-қудратини ёрқин намоён этган, бундай ноёб ҳис-туйғуларнинг бутун жамиятда теран ва мустаҳкам илдиз отишини таъминлаган бир нурли босқич сифатида Мустақил Ватанимиз солномасига зарҳал ҳарфларда битилиб қолгусидир.

Биз келаётган янги йилимизни ҳам катта умид ва орзулар билан кутмоқдамиз. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишлаб «Туркистон» саройида ўтказилган тантанали анжуманда Конституциямизга аталган самимий ҳароратли, сермазмун нутқида янги — 2005 йилни мамлакатимизда Сиҳат-саломатлик йили, деб эълон қилдилар. Юртбошимизнинг бу таклифи йиғилиш иштирокчилари томонидан гулдурос қарсаклар билан якдил маъқулланди. Бу таклиф миллионлаб ватандошларимизнинг руҳиятига ҳам офтобдай нур сочди, миллионлаб кўнгилларда ҳурсандчилик ва мамнуният уйғотди. Демак, насиб этса, янги 2005 йил ҳам эл-юрт бахту саодатини таъминлашдек улуғ муддаоларга бел боғлаб хизмат қилади. Янада аниқроғи, бу йилда эл саломатлигини мустаҳкамлашга доир кенг қамровли яна бир Давлат дастури ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Халқ соғлиғи — юрт бойлиги деган ҳикматли иборанинг ҳаётий ижроси Ўзбекистон миқёсида, келаётган йилда амалга ошириладжак давлат сиёсати ва улкан фаолиятнинг бош қоидасига айланади.

**Бугуннинг гапи**



Аслини айтганда, аҳоли соғлиғини сақлаш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг ҳамиша диққат марказида турибди. Мамлакатда соғлиқни сақлаш тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Бизда илғор замонавий соғлиқни сақлаш тизими шаклланиб келаётир. Тиббий хизмат сифатини халқаро андозаларга кўтарадиган катта тадбирлар кўрилмоқда. Тиббиётнинг моддий-техникавий базаси энг замонавий жиҳозлар билан янгиланаяпти. Шифокорларимиз халқаро тиббиёт амалиётидаги энг сўнгги ютуқлар, тажрибаларни ўзлаштирмоқдалар. Юртимиз минтақаларида Республика Акушерлик-гинекология институтларининг филиаллари очилиб, жойларда ҳам бу йўналишларда тиббиёт илми ва амалиёти кенг ривож топаяпти. Пойтахтимизда жаҳон талаблари даражасидаги юқори технологияли, ихтисослаштирилган тиббий марказлар вужудга келди. Айниқса, республикамизда энг замонавий тиббий техника ҳамда малакали шифокорлар билан

(Давоми 2-бетда).

*10 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун*

## АБАДИЙ ҚЎШИҚ

*Серқуёш, ҳур ўлкам элга бахт, нажот,*
*Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон.*
*Яшнагай то абад илму фан, ижод,*
*Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон...*

Ўзбекистон халқи ҳар тонг ҳурриятнинг муаззам садоси бўлмиш шу тарона билан уйғонади. Ушбу муборак қўшиқ мамлакатимиз аҳлининг руҳига руҳ, қувватига қувват бағишлаб, жўшқин ҳаётга чорлайди.

Куни кеча тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси бўлмиш Конституциямиз қабул қилинганлигининг ўн икки йиллигига бағишланган тантанали байрам маросими ҳам анъанага кўра Давлатимиз мадҳияси ижроси билан бошланди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов жаҳоннинг турли давлатларига ташриф буюрганида, мамлакатимизга ташриф буюрган турли давлатлар раҳбарларини кутиб олишда Давлатимиз мадҳияси янграйди. Юртимиз вакиллари иштирок этаётган халқаро миқёсдаги улкан сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақалари чоғида мазкур шукуҳли тарона жаранглаганида қалбларимиз фахру ифтихорга тўлади.

Мадҳиямиз тарихи, бошқа давлат рамзларимиз тарихи билан бир қаторда, мустабид тузум ҳали-ҳамон бош кўтариб турган, унинг рамзлари амалда бўлган даврларга бориб тақалади. Давлат рамзлари ҳақидаги масала Юртбошимизнинг ташаббуси ва фидойилиги туфайли 1990 йил март ойидаёқ парламент сессиясида муҳокама этилган, ўша йилнинг 20 июнида қабул қилинган Мустақиллик декларациясида эса Ўзбекистон ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилаши ва давлат рамзларини ўзи таъсис этажаги қайд қилинганди.

Ўзбекистон Давлат мадҳияси 1992 йил 10 декабрь куни Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган. Мадҳия муаллифлари — Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ва Ўзбекистон халқ артисти, атоқли композитор Мутал Бурҳонов.

Бугун мадҳиямиз таълим масканларида ёш авлодни юртга меҳр-муҳаббат, садоқат ва ифтихор руҳида тарбиялашга хизмат қилаётир.

Халқимизнинг ўтмишини, бугуни ва келажагини, куч-қудратини, орзу-умидларини ўзида тўла акс эттирган Бош қўшиғимиз — мадҳиямиз асрлар оша дунё узра мангу таралаверсин. Зеро, ҳар бир ўзбек учун, ўзбекистонлик учун ардоқда бўлган бу муаззам қўшиқда халқимиз даҳоси, бетакрор тийнати тажассум топган.

**Норали ОЧИЛОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

*Рустам ҚОСИМЖОНОВ:*

## Қувончимнинг чеки йўқ

Жорий йилнинг 13 июли ўзбек спорти тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилди. Ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов Триполида шахмат бўйича жаҳон чемпионлигини қўлга киритиб, миллатимиз шаънини яна бир бор жаҳонга таратди.

Президентимиз Оқсарой қароргоҳида Рустамжонга Ватанимизнинг юксак мукофоти — Амир Темур орденини топширар экан, унинг муваффақиятлари ҳақида алоҳида тўхталди.

— Оддий бир ўзбек оиласида, Тошкентнинг эски даҳаларидан бирида таваллуд топган, бир қарашда кўпчиликдан ҳеч қандай ажралиб турмайдиган, содда ва камтар, айни пайтда шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиб, бутун дунёни ҳайратда қолдирган, халқимиз ва миллатимиз номини, Ўзбекистоннинг шону шуҳратини юксак даражага кўтарган бу инсон бугун барчамизнинг ғурур ва ифтихоримизга айланди, — деди давлатимиз раҳбари.

**Фахр**

Рустамжон 5 декабрь куни ўзининг 25 ёшини нишонлади. У ҳозир Германияда навбатдаги мусобақага тайёргарлик кўраяпти. Биз чемпион билан боғланиб, унутилмас лаҳзалар таассуроти ҳақида сўрадик.

— Спортчилар тили билан айтганда, ажойиб формадаман. Президентимиз ўз қўллари билан менга давлатимизнинг юксак мукофоти — Амир Темур орденини топширганларида қувончимнинг чеки бўлмади. Бу менга катта масъулият юклайди, албатта. Давлатимиз раҳбарининг ишончини доимо оқлашни кўнглимга тукканман. Ҳозир бутун фикр-хаёлим бўлажак мусобақага қаратилган. Насиб этса, унда Ватанимнинг шарафини муносиб ҳимоя қилишга бор кучимни сарфлайман. Чунки менинг ортимда бутун Ўзбекистон турибди.

**З. ЖОНИБЕКОВ.**

## РОССИЯ ПАРЛАМЕНТИ ВАКИЛЛАРИ ЮРТИМИЗДА

Сайловларга бир неча кун қолганда юртимизга Россия Федерацияси Давлат думасининг бир гуруҳ кузатувчилари келадилар.

Марказий сайлов комиссиясида Давлат думаси делегацияси иштирокида ўтказилган учрашувда шу ҳақда сўз борди.

Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари С.Хўжаева Россия парламенти вакилларини сайлов қонунчилигимизга киритилган ўзгаришлар билан таништирди. Ўзбекистоннинг янги, икки палатали парламентига бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказишни ташкил этиш ана шу қонунчиликка асосланганини таъкидлади.

Учрашувда жаҳон ҳамжамияти мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга катта қизиқиш билан қараётгани қайд этилди. 26 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайлов бу борадаги ислоҳотларнинг яққол далилидир. Юртимизда МДҲ ва ЕХҲТ кузатувчилари миссияси иш бошлади. Яқин кунларда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Европарламент, шунингдек, дунёнинг кўпгина мамлакатларидан ҳам кузатувчилар келиши кутилмоқда.

Демократиянинг ҳамма учун бир хил, тайёр шакли ва қолипи йўқ. Шу маънода Ўзбекистон ўзининг демократик ривожланиш йўлини танлаган, деди Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази раҳбари Ш.Қудратхўжаев. Шу билан бирга, бошқа мамлакатларнинг бу борадаги тажрибаси ва турли халқаро институтларнинг тавсиялари муҳим аҳамиятга эга. Улардан миллий манфаатларимизни ҳисобга олган ҳолда фойдаланишимиз мумкин.

— Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси томонидан Россия парламенти аъзоларининг сайловда кузатувчи сифатида иштирок этиш учун таклиф қилиниши мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка яна бир мисол бўла олади, — деди делегация раҳбари, Россия Федерацияси Давлат думасининг МДҲ ишлари ва ватандошлар билан алоқалар бўйича қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Аҳмед Билолов. — Ўзбекистонда доимий асосда фаолият юритадиган икки палатали парламентнинг шаклланиши мамлакатингизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар йўлидаги муҳим қадамдир. Бундай тузилма қонун ижодкорлиги жараёнини жамият ҳаётига имкон қадар яқинлаштиришга, уни демократлаштиришга ёрдам беради. Шуни таъкидлаш кераккки, бу борада ўзбекистонлик ҳамкасбларимиздан ўрганадиган жиҳатлар бор. Ўзбекистон парламенти ва Россия Давлат думаси келгусида ҳамкорликни янада ривожлантиради, деган умиддаман. Мамлакатларимиз президентларининг учрашувлари бу ҳамкорликни янада кенгайтириш учун катта имкониятлар яратди.

Учрашувда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ф.Мухаметшин иштирок этди.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Кобулда инаугурация

***7 декабрда афғон халқи ҳаётида тарихий воқеа юз берди. Бу кун октябрь ойида бўлиб ўтган сайловларда кўпчилик овоз билан ғалаба қозонган Афғонистон президенти Ҳамид Карзай қасамёд қабул қилди.***

Инаугурация маросимида 50 га яқин давлатдан 600 дан зиёд хорижий меҳмонлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси ҳам иштирок этди.

Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва бу мамлакат иқтисодиётини тиклашда кўмаклашиш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кўп маротаба БМТ ва бошқа нуфузли халқаро анжуманлар минбарларидан туриб жаҳон ҳамжамияти эътиборини Афғонистондаги вазиятга жалб этишга интилган.

Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида фаол ривожланаётган иқтисодий алоқалар ҳамкорликнинг турли соҳаларида бой тажриба тўплаганимиздан далолат бермоқда. Афғонистон ҳудудида саноат, ирригация, қишлоқ хўжалиги иншоотларини қуриш, ишга тушириш, мутахассис кадрлар тайёрлаш, транспорт-коммуникация инфратузилмасидан биргаликда фойдаланиш шулар жумласидандир.

Ўзбекистонлик мутахассислар томонидан Мозори Шариф — Саланг — Кобул йўналиши бўйича 11 та кўприк қайта тикланди. Хайратон — Мозори Шариф темир йўлининг бир қисмини тозалаш ишлари якунланди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ўтган йили Эронга қилган ташрифи чоғида Ўзбекистон, Афғонистон ва Эрон ўртасида имзоланган халқаро транспорт йўналишлари тўғрисидаги шартномага мувофиқ, Афғонистон ҳудуди орқали ўтувчи транспорт йўлагини ("Трансафғон йўлаги") қуриш ишлари давом этмоқда.

**"Жаҳон" АА.**

# Парламент истиқболи — юрт истиқболи

*жамоатчилик фикрининг демократик сайловлар давридаги акси*

Асосий Қонунимизда «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакилликлари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар» (32-модда) деб белгилаб қўйилгани ҳар биримизнинг давлат ва жамият олдидаги масъулиятимизни оширади. Шубҳасиз, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг жамоатчилик билан алоқалари ана шу вазифанинг амалга ошишига хизмат қилади.

Парламентнинг жамоатчилик билан алоқалари қачондан бошланади ва у қай тарзда давом этади? Дунёвий фанлардан бири — "Rublic Relations" (PR, пиар, Паблик рилейшнз) — Жамоатчилик билан алоқалар фани нуқтаи назаридан олиб қаралганда, бу жараён сайловлар давридан бошланади. Чунки янги парламент ҳали шаклланмасидан анча илгари жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлашга киришади. Депутатликка номзодлар сайловолди учрашувлари даврида фуқаролар билан юзма-юз мулоқотда бўлади, уларнинг фикрларини тинглайди. Қайсики номзод жамоатчилик билан алоқа қилмаса, демак унинг хайрихоҳлари, тарафдорлари, қўллаб-қувватловчилари бўлмайди. У ҳолда сайловда етарли даражада овоз олиши ҳам амри маҳолдир. Эҳтимол, ўн беш-йигирма йил илгари айрим номзодлар учун бунинг аҳамияти бўлмагандир. Бироқ, бугунги сайловчининг бурунги сайловчидан фарқи жуда катта. Бугунги сайловчи савияси, ҳуқуқий маданияти жиҳатидан сайлов моҳиятини, мамлакатимизда илк бор шакллантирилаётган икки палатали парламент истиқболи — аслида ўз истиқболи эканлигини жуда яхши билади.

**26 декабрь**
**Халқ. Демократия. Сайловлар**

Айтиш жоизки, сайловлар даврида жамоатчилик билан алоқаларни такомиллаштириш муҳим жараёндир. Бу жараённинг ҳуқуқий асослари ҳам етарли. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, сайлов қонунлари ва «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни сайловчиларнинг ана шу ҳуқуқларини кафолатлайди.

Мазкур Қонуннинг 13-моддасида «Давлат ҳокимияти органлари сайловолди учрашувлари ўтказиш учун сайловчиларга жиҳозланган бинолар, зарур маълумот ва ахборот материаллари бериб туришлари шарт. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ва жой сайловчиларга хабар қилинади» деб ёзиб қўйилган. Мазкур Қонуннинг 15-моддасида «Сайловчилар сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар ва айрим номзодларнинг келгуси фаолият дастури билан танишиш ҳуқуқига эгадирлар» деб белгиланган. Табиийки, сиёсий партия ёки номзоднинг дастури билан танишиш жараёнидаёқ икки томонлама алоқа бошланади. Сайловчи — холис фикр айтувчи. Фақат бу ўринда қонун устуворлигини унутмаслик лозим. Француз файласуфи Шарль Луи Монтескье ёзганидек, «Эркинлик — қонунлар билан ижозат этилган барча нарсани қилиш ҳуқуқидир. Агар фуқаро қонунлар билан таъқиқланган нарсаларни қилиши мумкин бўлса, бу унинг эркинлиги бўлмас эди, чунки худди шу нарсаларни бошқа фуқаролар ҳам қилишлари мумкин бўлур эди». Демак, сайловлар жараёнида ҳам адолатли қонунларимизга таянган ҳолда жамоатчилик билан алоқаларни янада такомиллаштириш мумкин.

Қайсики сиёсий партия шу йўсинда эътибор қозонаётган бўлса, унинг жамоатчилиги ҳам шунга монанд равишда фаоллик кўрсатаверади. Бу эса келгусида қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятида ҳам ўз аксини топиши PR фанида назарий жиҳатдан асослангандир. Бундан ташқари, ушбу фан жамоатчилик билан алоқалар ўрнатилишида икки томонлама фикр билдириш ва қабул қилиш тамойилига жиддий эътибор қаратади. Айнан сайловолди ташвиқоти даврида бўлғуси қонун чиқарувчи ҳокимият ўз жамоатчилиги билан алоқаларни мустаҳкамлаб олишига замин яралади.

Шу билан бирга, ҳар бир фуқаронинг давлат ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи ҳам ушбу жараёнда намоён бўлади. Демак, юртдошларимизнинг сайловолди ташвиқотида фаол иштирок этишлари бағоят муҳимдир. Зотан, сайловолди ташвиқотларининг нечоғли юксак савияда ўтиши, аввало, сайловчиларнинг фаолликларига боғлиқдир. Бу фаоллик янги икки палатали парламентимиз истиқболини, у эса ўз навбатида халқ истиқболини белгилайди.

**Тўлқин ЭШБЕК,**
**журналист.**




*"Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журналининг сайлов мавзуига бағишланган сони ўзбек, рус, инглиз тилларида нашр этилди. У Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорликда тайёрланди.*

# ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР ТАРҒИБОТИ

Шу йилнинг 26 декабрида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтади. Шундан сўнг бир ой ичида Олий Мажлиснинг Сенати шакллантирилади. Бу ижтимоий тараққиётнинг янада юксалиши учун самарали шарт-шароит яратиши шубҳасиз.

Журнал саҳифаларида ўнга яқин халқаро-ҳуқуқий ҳужжатда қайд этилган сайловга оид умумэътироф этилган нормалар келтирилган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, БМТ Устави, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, ЕХҲКнинг инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген Кенгаши ҳужжатлари каби меъёрий ҳужжатлардан кўчирмалар шулар жумласидандир.

Президентимиз Ислом Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн олтинчи сессиясида сўзлаган нутқида кейинги уч ой давомида бўлғуси сайловларга тайёргарлик доирасида мамлакатимизда еттита йирик халқаро конференция ва семинарлар бўлиб ўтгани ҳамда уларда 29 та, авваламбор, демократик давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кўзга кўринган олим ва сиёсатчилар, эксперт ва мутахассислар қатнашганини алоҳида таъкидлади. Ана шу халқаро конференция ва семинарлар туркуми тафсилотлари ҳам журналда эълон қилинган.

Журнал саҳифаларида Ф.Акчура, П.Мюллерсон, Ж.Дейли, П.Юза, Ф.Бришка, Н.Жоши, Я.Накаучи, М.Север, Ш.Кодама, Р.Крумм, М.Гумппенберг, М.Агибаева сингари хорижий мутахассисларнинг демократик сайловларни ўтказиш бўйича халқаро тажрибалар таҳлили билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларига кенг ўрин ажратилган.

Бу мақолаларда хорижий кузатувчилар иштироки ва уларнинг мақоми, жаҳон парламентаризм тажрибасида алоҳида ажралиб турувчи жиҳатлар, бу борада мураккаб шаклланиш босқичини муваффақиятли босиб ўтган давлатлардаги амалиёт равон тилда тушунтирилади.

Б.Мустафоев, А.Саидов, Н.Исмоилов, Ў.Ҳошимов, Ш.Қудратхўжаев, С.Хўжаева, М.Рустамбоев, Ж.Абдусатторов, Б.Эргашев, Ш.Ғуломов, О.Соатов, Ф.Мўминов ва бошқаларнинг мақолаларида бўлажак сайловларда сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ва депутатликка номзодларга тенг имкониятлар яратиш, миллий сайлов қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари аниқ мисоллар орқали таҳлил этилган.

Бундан ташқари, бир қатор мақолаларда сайлов тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган янгиликларнинг моҳияти ва аҳамияти, сайловни ёритишда оммавий ахборот воситаларининг иштирок этиш тартиби ва ўрни, сайловларни ташкиллаштириш ва молиялаштириш масалалари аниқ кўрсатиб берилган.

Журналнинг ушбу сони сайлов кампаниясидек муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир доирасидаги тарғибот ишларига қаратилгандир.

**Лазиз РАҲМАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Халқ соғлиғи — юрт бойлиги

(Давоми. Боши 1-бетда).

кучайтирилган Республика шошилинч тиббий ёрдам хизмати маркази ва унинг жойлардаги шохобчалари ташкил этилганлигини фахрланиб тилга олишимиз ўринли бўлади. Шунингдек, хусусий шифокорлик тармоқлари равнақ топаяпти. Бу эса тиббий хизматда ижобий маънодаги рақобатни кучайтирмоқда. Бутун мамлакатда ёппасига аҳоли саломатлигини таҳлил ва назорат этиш ишлари йўлга қўйилган. Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш — давлат миқёсидаги ишлардан бирига айланди. Турмуш қураётган келин-куёвларни тиббиёт кўригидан ўтказиш қатъий изга қўйилганлиги ҳам яхши ишлардан бири бўлди... Биз юқорида фақат бевосита тиббиёт соҳасида юз берган ўзгаришлар тўғрисидагина гапирдик. Бу ўзгаришлар халқаро миқёсда обрў-эътибор топмоқда. Масалан, БМТнинг халқаро ЮНИСЕФ ташкилоти 2003 йилда жаҳондаги кўплаб мамлакатда она ва бола муҳофазаси, саломатлигининг аҳволи тўғрисида мониторинг ўтказган эди. Унинг натижаларига кўра, Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида энг олдинги ўринлардан бирини эгаллаши эътироф этилди.

Юқорида айтилганлар билан бир қаторда мамлакатда аҳоли саломатлигини тубдан яхшилашга қаратилган бир-биридан салмоқли бошқа чора-тадбирлар ҳам кўрилмоқда. Жумладан, мамлакатда спортни оммалаштириш, айниқса, болалар спортини равнақ топтиришга доир Президентимиз фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари асосида юртимизда олиб борилаётган ишлар бебаҳо самараларни кўрсата бошлади. Хусусан, Президентимизнинг «2004 - 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони бу соҳада тубли бурилишларни бошлаб берди. Ушбу дастурда умумтаълим мактабларида спортни ривожлантириш ва спорт базаларини мустаҳкамлаш — мактабларни бундан кейинги даврларда ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Бундай тадбирлар ижтимоий ривожланишимизда, айниқса, эл соғлиғини мустаҳкамлашда яқин келгусида порлоқ натижалар қўлга киритилишини тўла-тўкис кафолатлайди.

Шу билан бирга, саломатликни мустаҳкамлаш масаласида кўп нарса бизнинг ўзимизга ҳам боғлиқ. Халқимизда: «Сендан — ҳаракат, мендан баракат», деган мақол бор. Биз ҳар биримиз ўз соғлиғимизни, оила аъзоларимиз саломатлигини, мустаҳкамлашга онгли, малакали муносабатда бўлсак, бунинг самараси янада бошқачароқ бўларди. Айнан саломатлик масаласига онгли, билим-малакали ёндашув масаласида жиддий муаммоларга дуч келаяпмиз. Ўйлаб кўрайлик, ўзимиз ва оила аъзоларимиз соғлиғини мунтазам тиббий кўрикдан ўтказиб туриш, спорт, жисмоний тарбия билан шуғулланишга етарли эътибор қаратаяпмизми? Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилишга шаҳарлар ва қишлоқларимизда арзигулик масала деб қаралаяптими? Ҳозирча бундай саволларга жавоб беришда анча қийналиб қоламиз. Булар эса эл саломатлигини мустаҳкамлашда жуда муҳим омиллардир.

Сиҳат-саломатлик йили деб аталган 2005 йилда бутун жамият худди шу маънода ўзига ҳам жиддий танқидий нигоҳ ташлашига тўғри келади. Президентимиз ўз маърузасида бу йилнинг муҳим вазифаларига ҳам эътиборимизни қаратиб ўтдилар. Нутқда айтилганидай, Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан ишлаб чиқарилган Давлат дастурида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, бунинг учун тегишли ҳуқуқий, моддий ва молиявий базани мустаҳкамлаш, замонавий билим ва тажрибага эга бўлган тиббиёт ходимларини тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш, шу билан бирга, одамларда ўз саломатлигини асраш бўйича тўғри ва фаол муносабатни шакллантириш каби масалаларга алоҳида аҳамият берилиши зарур. Шунингдек, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, муҳтарам нуронийлар, пенсионерларимизнинг соғлом ва мазмунли умр кечиришлари учун шарт-шароитни яратиб беришга эътиборни ошириш, шифокорларнинг оғир, ўта мураккаб ва масъулиятли меҳнатини муносиб қадрлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари ҳам диққат-эътибор марказида бўлмоғи керак.

Хуллас, биз арафасида турган Сиҳат-саломатлик йили халқ манфаатларини юксалтириш, эл саломатлигини янада яхшилаш, миллат генафондини мустаҳкамлашда алп қадамлар қўйиладиган бир йил бўлишига ишонамиз.

Ҳар биримизга Сиҳат-саломатлик йили муборак бўлсин!

**Михли САФАРОВ.**

# «Сув оқиб турса музламайди»

*Жиззах шаҳар Сувоқова корхонаси мутасаддилари қиш мавсумига тайёр эмаслигини шу сўз билан оқламоқдалар*

**Қиш ўчоғи тор**

Шаҳарнинг «Қипчоқ», «Наврўз» маҳаллалари, А. Нормуродов ва С. Тоиров кўчаларидаги хонадонларда ичимлик суви таъминоти масаласи ҳалигача ҳал этилмаган. Шу кўчаларда истиқомат қилувчи фуқаролар М. Равшанов, О. Йўлдошев ва бошқаларнинг таъкидлашича, мутасаддилар сув ўрнига ваъда беришга одатланиб қолишган.

— Мавжуд сув иншоотлари ҳамда қудуқларнинг жиҳозлари ва қувурлар эскириб қолганлиги боис маҳаллаларни ичимлик суви билан узлуксиз таъминлай олмаяпмиз, — дейишди корхонадагилар. — Бу масаланинг ечими ҳали анчагача чўзилиши мумкин.

Гап шундаки, ишлаб чиқариш корхонасининг 2004-2005 йиллардаги кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўриш дастурига кўра, июнь-сентябрь ойларида 156 километр узунликдаги қувурлар таъмирланиб, нособлари алмаштирилиши керак эди. Бироқ ҳозиргача бор-йўғи 85 километр масофада ана шу ишлар бажарилган, холос. 3/1-кичик тумандаги кўп қаватли айрим уйларнинг ертўлаларидаги ёрилган ёки тешилган қувурлардан эса ичимлик суви оқиб ётибди. Хонадонларга сув чиқмайди. Шу боис ичимлик сувини одамлар кўчага ўрнатилган водопровод кранларидан ташиб келтирмоқдалар.

— Аввало, изғиринли кунларда кўчадан сув ташишнинг ўзи машаққат. Қолаверса, қаҳратон қишда қувурлар музлаб қолса, аҳоли ичимлик сувини қаердан олади?

— Жўмраклардан сув оқиб турса, қувурлар музламайди, — дея саволимизга жавоб берди «Сувоқова» корхонаси бош муҳандиси Ёқуб Исажонов.

Маълумотларда кўрсатилишича, бир кунда шаҳар бўйича истеъмолчиларга 62 минг кубометр ичимлик суви берилиши лозим. Аммо унинг деярли ярми исроф бўлаяпти. Хонадонларга сув ўлчагич асбоблари ўрнатиш ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади. Тўғри, «Тошлоқ», «Бобур», «Заргарлик», «Сайилжойи» маҳаллаларида бу иш бошланган эди. Аммо ўрнатилган сув ўлчагичларнинг кўпчилиги ишламаяпти.

«Сувоқова» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Шароф Намозовнинг айтишича, мавжуд муаммоларнинг ечими маблағ билан боғлиқ. Ташкилотлар ҳамда аҳолининг «Сувоқова»дан қарзи 300 миллион сўмдан ошиб кетган. Бу маблағни ундириш қийин бўлаяпти.

Қизиқ, корхонада ишлаётган назоратчилар сони 20 нафардан зиёд бўлса-ю, улар қайси юмушлар билан шуғулланмоқдалар? Наҳотки, лоақал тешик қувурлардан ҳуда-беҳуда оқиб ётган ичимлик сувидан миллион-миллион сўм зарар кўрилаётгани уларни ташвишга солмаса?

— Изланаяпмиз, ходимларимизни ўқитиб, малакаларини оширишга эътибор қаратаяпмиз, — дейди Ш. Намозов. — Келгуси йилдан бошлаб эса шаҳардаги ичимлик суви тармоқларини янгилашга киришамиз. Чунки вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ишлаб чиқилган лойиҳага мувофиқ, 2005 йилда Жиззах шаҳри ичимлик суви тармоқларидаги барча жиҳозлар янгиланиб, автомат бошқарув жорий этилади. Асосий харажатни Осиё Тараққиёт банки ўз зиммасига олган.

Бу ҳали пишмаган иш. Вақт эса кутиб турмайди. Шу боис бугун «Сувоқова» корхонаси раҳбарлари шаҳардаги уй-жойларни узлуксиз ичимлик суви билан таъминлаш чораларини кўрмоғи зарур. Қиш мавсуми улар учун жиддий синов эканлигини, бир зум бўлса-да, унутмасликлари даркор.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИҚТИСОДИЁТ:
*янгиликлар ва хабарлар*

## Бири «Сурхонтекс», иккинчиси «Балиқчитекс»



*Узоқ йиллар давомида мамлакатимиз енгил саноат корхоналарида хўжалик фаолиятининг ҳуқуқий асослари такомиллаштириб борилиб, ишни самарали юритишга шароит яратилди, зарур бўлган молиявий, моддий, техникавий ва меҳнат манбаларига эришишнинг йўллари соддалаштирилди. Буларнинг ҳаммаси ўз самарасини бермоқда.*

*Жорий йилнинг 10 ойи ичида, масалан, 356 турдаги янги енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таъминланди. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан маҳсулотни экспортга сотиш 25,2 фоизга ошди. Шунингдек, экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг умумий ҳажмида тикув-трикотаж буюмларининг улуши 2003 йилдаги 4,5 фоиздан 6,0 фоизга ортди.*

*Бу ютуқларнинг асосий қисми қўшма корхоналар ҳисобига қўлга киритилди. Хорижий сармоялар ёрдамида «Наврўз» умумхалқ байрами ва республикамиз Мустақиллигининг 13 йиллиги арафасида 7 та вилоятда ва Тошкент шаҳрида 12 та қўшма корхона, шу жумладан, «Сурхонтекс» (Сурхондарё вилояти), «Ядем текстиль» (Тошкент вилояти), «Балиқчитекс» (Андижон вилояти) қўшма корхоналари ишга туширилган эди. Ана шу корхоналарнинг ишлаб чиқариш қуввати ҳозирда, пахта хомашёсидан 22,15 минг тонна ип йигириш, 13,6 млн. погон метр газлама, 6 минг тоннадан зиёд трикотаж полотно, 4 млн. дона тайёр тикувчилик ва 38 млн. дона трикотаж буюмларини қўшимча ишлаб чиқариш имконини бермоқда. Уларда 5 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда.*

**Ў. ИКРОМОВ.**

## Экспорт товарлари кўпаяди

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида хорижий сармоялар ёрдамида ташкил этилган яна 5 та қўшма корхона маҳсулот ишлаб чиқара бошлади.**

Улардан бири — Қорақалпоғистон Республикаси Беруний шаҳридаги «Райҳон» акциядорлик жамияти негизида Германиянинг «Унитехна» компанияси ҳамкорлигида ишга туширилган «Берунийтекс» қўшма корхонасидир. Бу ерда ҳаво ёрдамида 2,27 минг тонна ип йигирилиб, ҳалқали йигириш усулида 1,93 минг тонна ип олинади, 1,8 минг тонна трикотаж полотно, 1 млн. погон метр энли хом газлама ишлаб чиқарилади. Корхонага Германия ва Чехияда ишлаб чиқарилган янги ва замонавий дастгоҳлар ўрнатилган бўлиб, унинг лойиҳа қиймати 8 млн. АҚШ долларидан зиёд. У тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, экспорт салоҳияти йилига 6,6 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Муҳими, корхонада 280 киши янги иш ўрнига эга бўлди.

Тошкент шаҳрининг аҳоли зич жойлашган ҳудудларидан бири — Чилонзор туманида эса «Алким текстиль» хорижий корхонаси очилди. Унинг лойиҳаси Туркиянинг «Алким» компанияси томонидан тўғридан-тўғри киритилган инвестиция ҳисобига амалга оширилди. Германиянинг «Майер» ва «Террот», Япониянинг «Жуки» ҳамда Туркиянинг «Инокс» фирмаларидан корхонага янги, замонавий дастгоҳлар келтирилиб ўрнатилди.

«Тоштўқимачи» акциядорлик жамияти негизида ташкил этилган «Тош Кая текстиль» қўшма корхонаси 14 минг тонна йигирилган ип, 1,7 минг тонна трикотаж полотно, 42 млн. погон метр хом газлама ва 1,8 млн. дона тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконига эга бўлса, Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридаги «Бурсел Тошкент текстиль» қўшма корхонасида йилига 56 млн. дона тайёр трикотаж буюмлари тайёрланади. «Тўрткўл» йигирув-тикув-трикотаж акциядорлик жамияти (Қорақалпоғистон Республикаси) негизида ўз фаолиятини бошлаган қўшма корхонанинг йиллик экспорт салоҳияти эса 6,1 млн. АҚШ долларига тенгдир.

Кеча «Берунийтекс» ва «Алким текстиль» корхоналарининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

**И.ҲОТАМОВ.**

## Кичик бизнесга — хориж кредити

**Япония-Ўзбекистон Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш дастурига кўра, кунчиқар мамлакатнинг J-USBP компанияси республикамиздаги "Пахтабанк", "Ўзуйжойжамғармабанк", "Ипак йўли" банки ва "Ҳамкорбанк" билан ҳамкорликда иш юритаётганидан хабардорсиз.**

Шу кунгача тадбиркорларимиз ана шу банкларнинг 5 ва 10 минг АҚШ доллари миқдоридаги "Экспресс", "Микро" ҳамда 100000 АҚШ долларигача бўлган "Кичик бизнес" кредит линияларидан фойдаланиб, 25 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит олдилар.

## Акциялар сотилмоқда

**"Тошкент" республика фонд биржасининг савдо сессияларида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 908 та акциядорлик жамиятининг 33,6 миллион сўм миқдоридаги акцияси олди-сотдиси юзасидан 3802 та битим тузилди.**

Натижада миллий валютадаги умумий маблағнинг айланиши 23,4 миллиард сўмни ташкил этди. Унинг 13,5 миллиард сўмлиги иккиламчи бозорда сотилган акциялардир.

Шунингдек, бирламчи бозорда 8 та акциядорлик жамиятининг 3,1 миллион сўмлик акцияси олди-сотди шартномаси бўйича 4,1 миллион АҚШ доллари ҳажмида 14 та битим, иккиламчи бозорда эса 49 та акциядорлик жамиятининг 3,3 миллион сўмлик акцияси бўйича 6,2 миллион АҚШ доллари миқдорида 265 та битим имзоланди.

## «Sack Market» янги маҳсулоти

**Қаршидаги "Sack Market" компанияси жамоаси "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг ҳудудий бошқармаси кредити ҳисобига Хитойдан замонавий технология харид қилиб, синтетик қоплар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.**

Илгари Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва қурилиш материалларини қадоқлаш учун йилига 100 минглаб дона шундай қоп четдан келтириларди.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**




***Туриш-турмушимиз мезонлари белгиланган Конституция билан таниша бошлаган киши, унинг муқаддимасини ўқигандаёқ Ўзбекистон халқи инсон ҳуқуқларига содиқ қолиш, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашга интилиш, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқароларнинг тинчлиги ва миллий тотувлиги ётганлигига амин бўлади. Дарҳақиқат, Асосий Қонунимизда инсон омили, унинг манфаатларигина эмас, балки тарихий урф-одатларимизнинг ўзига хос жиҳатлари, халқимизнинг тинчликсевар фазилатлари ҳам ўз ифодасини топган.***

# Жамият янгиланиши — сиёсий фаолликда

Инсон ҳуқуқи ҳақида гап кетганда, Конституция билан кафолатланган фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари давлат томонидан ҳимояланишини айтиб ўтиш жоиз. Жумладан, Асосий Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир. Бу ҳуқуқлардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки чеклаб қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Мисол учун, сайлов ҳуқуқини олайлик. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларидан бўлган сайлов ҳуқуқининг асосий манбаи конституциявий меъёрлардир. Бу ҳуқуқ фақат муайян тамойилларга асослангандагина ўзининг конституциявий ижтимоий вазифасини бажара олади. Конституциямизнинг 117-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Вакиллик органларига ва президентликка сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Конституциянинг 77-моддасида белгиланганидек, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат». «Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади» (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, XXIII боб).

Мамлакатимизда икки палатали парламент сайловларининг амалга оширилиши жамиятимиз босқичма-босқич демократлашиб бораётганлигининг исботидир. Шуни таъкидлаш керакки, бу жараён фуқароларимиздан эркин ва онгли равишда ҳаракат қилишни тақозо этади. Хабарингиз бор, Марказий сайлов комиссияси томонидан Қонунчилик палатаси депутатлигига 517 нафар номзод рўйхатга олинди. Улар айни пайтда сайловолди ташвиқоти олиб бормоқдалар. Агар номзодлар ҳақидаги маълумотлар билан қизиқсак, уларнинг 98,8 фоизи олий маълумотли, 17,7 фоизи фан номзоди, 7,9 фоизи фан доктори эканлигига амин бўламиз.

Модомики, биз профессионал парламент тарафдори эканмиз, сайловда ҳар биримизнинг фаоллигимиз сезилиб туриши зарур. Негаки, парламент қуйи палатасида қонунчилик билан шуғуллана оладиган, етук малакали, катта ҳаёт тажрибасига эга, замонавий илмлардан ҳам хабардор номзодларни танлай олсак, айни муддао бўлади. Айниқса, мавжуд қонунларга нисбатан ўз фикрига эга номзодларни танлай олишимиз парламентни шакллантиришга улуш бўлиб қўшилади. Сайловлардан кўзда тутилган мақсад фуқароларнинг жамиятни демократлаштириш жараёнидаги фаолликларини ошириш, юқоридан кўрсатилган номзодга эмас, балки сайловчи онгли равишда маъқул кўрган ва жамият ривожида фаол иштирок эта олишига ишонган номзодга овоз беришларини таъминлашдан иборат. Сўзимиз аввалида айтиб ўтганимиздек, сиёсий ҳуқуқимизнинг Конституция билан кафолатланиши эркин фуқаролик жамияти барпо этишдек олий мақсад сари интилишимизда жамият олдидаги ҳуқуқимиздан онгли равишда фойдаланишимиз лозимлигини кўрсатади. Зеро, мамлакатнинг сиёсий жараёнларидаги шундай фаоллигимиз жамиятимизнинг янгиланиб боришини таъминлайди.

**Матрасул СОБИРОВ,**
**юридик фанлари доктори.**

*Таълим ҳуқуқи*

# Бахтимиз шундаки...

Конституциямизнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритар эканмиз, беихтиёр «Темур тузуклари»да битилган қуйидаги сўзлар ёдга тушади: «Агар давлат қонун асосида қурилғанмас экан, тура тузукка боғланмас экан, унда салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади, бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар кимса назарини олиб қочади. Бундай давлат косу нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиксиз, тўсиғи йўқ уйга ўхшайди».

Мен адолатли жамиятни барпо этишда буюк алломаларнинг юқоридаги каби ҳуқуқий меросидан фойдаланган ҳолда яратилган асосий Қонунимизни инсон манфаатларининг ҳуқуқий кафолати деб биламан. Бу муҳим ҳужжатда барча қатори биз, ёшларнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқларимиз, эркинликларимиз тўла ифода этилган.

Ҳеч нарсадан камлик кўрмай униб-ўсишимиз, билимли, ҳунарли бўлишимиз, ўзимиз хоҳлаган соҳада ишлашимиз конституциявий қоидаларда мустаҳкамланган.

Вилоятимизда 744 та мактаб бор. Кўпларининг бинолари муҳташам. Хоналари кенг, ёруғ. Ўқувчилик пайтимда домлаларимиз ёрдамида маълум адабиётлар, қўлланмалардан ўқиб-ўрганган бўлсак, ҳозирга келиб укаларимиз компьютер билан тиллашаяпти. Интернет орқали хорижга чиқяпти. Айримлари ўқиш, изланишни ривожланган мамлакатларнинг машҳур ўқув юртларида давом эттирмоқда. Жойлардаги 70 дан ортиқ касб-ҳунар коллежлари, ўнга яқин академик лицей бинолари, ўша даргоҳларда ўқувчи ёшларга яратилган шарт-шароит ҳар қандай одамнинг ҳавасини келтиради. Тенгқурларимнинг адабиёт, санъат, ҳунармандчилик, спортда эришаётган муваффақиятларини кўриб яйраб кетаман. Ёш олимларимизнинг тадқиқотларига ҳавасланаман.

> ***«Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади».***
>
> Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддаси.

Мен таҳсил олаётган олийгоҳнинг ташкил топганига 70 йилдан ошди. Андижондаги тўнғич билим даргоҳини ҳар йили юзлаб йигит-қизлар битиради. Ҳозирда институтимизда халқ хўжалиги учун 21 йўналишда бакалавр, 17 йўналишда магистр даражасини олувчи 7 мингга яқин тенгдошларим таҳсил кўрмоқда. Бундан ташқари, Андижон муҳандислик-иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, тиллар, педагогика, тиббиёт институтларида минглаб талабалар турли йўналишлар бўйича билим олмоқдалар. Ахир буларнинг ҳаммаси ҳурриятнинг ҳаётбахш қомусида белгилаб берилган ғамхўрликлар, инсон омилига эътибор намунаси эмасми?

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мақсади унинг муқаддимасида тўла баён этилган. Муқаддимада Ўзбекистоннинг ривожланиш, янгиланиш ва тараққиёт йўли ҳамда янги жамият ва давлат қурилишининг йўналишлари белгилаб берилган.

Муқаддимадаги бу ғоялар халқимизни ягона мақсад йўлида интилишга даъват этади ва жипслаштиради. Конституция ғоялари ўз-ўзидан амалга ошмайди, уларни ҳаётга татбиқ этишга қодир куч ҳам керак, бундай куч жамият, давлат ва инсонларнинг ўзи бўлиб, бундай фаолликни Қонун доирасида амалга ошириш керак бўлади.

Шу билан бирга жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданият даражаси юқори бўлиши ҳам зарурий шартлардан биридир. Бунинг учун ҳар биримиз ақл-заковатимизни ва билим салоҳиятимизни Конституцияда мустаҳкамланган юксак ғояларни ҳаётда рўёбга чиқаришга сафарбар этишимиз лозим бўлади. Бу борада республика Президентининг 2001 йил 4 январдаги «Конституцияни ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишини эслашнинг ўзи кифоя қилади. Мазкур Фармойишнинг мақсади: Ўзбекистон Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмунини ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлодни ҳуқуқий онги ва маданиятини тарбиялаш ҳамда камолатига қаратилгандир.

Ана шунинг учун ҳам ўқув юртларининг махсус ўқув режасига Конституцияни ўрганиш алоҳида фан сифатида киритилди.

Шаҳар ва қишлоқларимизнинг кун сайин ободонлашаётгани, яшараётганидан фахрланаман. Ана шу ўзгаришларга озми-кўпми ўз ҳиссамни қўшсам дейман. Назарий билимларимни амалиётда қўллагим келади. Бунга эришаман ҳам. Негаки, юртимизда эзгу-мақсадли, юраги тоза ёшларга ҳар жабҳанинг эшиклари ланг очиқ.

Андижонимизда яна бир муҳташам, чиройи ўзига ярашиқлик майдон — Конституция майдони барпо этилди. Ҳурриятимизнинг ҳаётбахш қомуси номи билан аталувчи бу майдон ўйлайманки, ўзини шу юртнинг фарзанди, мустақиллигимиз фидойиси деб билган ҳар бир инсон учун энг эъзозли, қутлуғ ва табаррук гўша бўлиб қолади.

**Наргиза ТОЛИПОВА,**
**Андижон Давлат университети ҳуқуқшунослик факультетининг 4-курс талабаси.**

Газетада босилмади, аммо...

## Қўшимча текшириш олиб борилади

Таҳририятимизга шикоят хати йўллаган Э.Тўхтаров Қамаши туманидаги 25 нафар шахсни алдаб, Россия Федерациясига олиб бориб ишлатган Н.Жовлиев ва бошқаларнинг фирибгарликлари ҳақида ёзиб, уларни жавобгарликка тортилишини сўраган. Бу ишни мутасаддилари ўрганиб, бир фикрга келишлари учун шикоят хати Қашқадарё вилояти прокуратурасига юборилди.



Яқинда Қашқадарё вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси Н.СУЛАЙМОНОВ имзоси билан таҳририятимизга расмий жавоб келди. Унда шундай дейилади: *"Аниқланишича, фуқаро И.Тўхтаров ва бошқалардан Россия Федерациясига олиб бориш учун 200-250 минг сўмдан фирибгарлик йўли билан пул йиғиб олиниб, Усинский шаҳрида уларни ишлатиб, меҳнат ҳақлари берилмаганлиги маълум бўлди. Ариза юзасидан икки марта терговолди текшириш ҳаракатлари олиб борилиб, туман прокуратурасининг терговчиси А.Юлдашев томонидан жиноят иши қўзғатиш рад этилган.*

*Қабул қилинган қарорнинг қонунийлиги вилоят прокуратураси томонидан ўрганилганда текшириш ҳаракатлари тўлиқ олиб борилмаганлиги, шикоятчиларнинг аризаларида кўрсатилган ҳолатлар ҳар томонлама текширилмаганлиги аниқланди. Ушбу материал туман прокурори томонидан назорат тартибида ўрганилиб, терговчи А.Юлдашевнинг жиноят ишини рад қилиш ҳақидаги қарори асоссиз бўлганлиги сабабли бекор қилинди ва қўшимча текшириш олиб бориш учун Қамаши туман прокурорига юборилди".*

# Миллий валютани мустаҳкамлаш йўлида

***Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида молия муассасаларининг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. Банкларнинг зиммасига муҳим ва масъулиятли вазифалар юклатилган бўлиб, уларнинг энг асосийларидан бири — миллий валютамиз қадрини ошириш ҳамда ушбу йўналишда мамлакат миқёсида ўтказилаётган тадбирларда фаол иштирок этишдир. Бу борада "Пахта банк"нинг Сурхондарё вилоят бошқармасида ҳам кейинги пайтда бир қатор ижобий ишлар бажарилмоқда. Унинг бошқарувчиси Ўрол ЖЎРАЕВ билан суҳбатимиз шу хусусида.***

**— Ўрол Сафарович, миллий валютамизнинг қадрини ошириш нафақат молия муассасаларининг, балки ҳар бир фуқаронинг вазифаси бўлиши керак. Зарур бўлса, бу борада ташвиқот ишларини олиб бориш лозим. Бошқармада ушбу соҳада белгиланган чора-тадбирлар қандай самара бермоқда?**

— Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги "Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, амалга ошириладиган ишлар бўйича дастур тузилиб, режаларни белгилаб олганмиз. Аввало, банкнинг ликвидлигини ошириш, пул муомаласини мустаҳкамлаш, деҳқон ва фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, мазкур вазифаларни мунтазам равишда бошқарув йиғилишларида муҳокама этиш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жорий йилнинг ўтган даврида банкнинг капиталлашув даражасини ошириш, янги хизмат турларини жорий этиш ва мини банклар очиш орқали мижозлар сонини кўпайтириш, пластик карточкалар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилди. Масалан, мижозларга 913 дона пластик карточка тарқатилди, битта банкомат ва савдо шохобчаларига 7 та терминал ўрнатилди. Ҳозирги кунда улар ёрдамида одамларга нақд пулсиз хизмат кўрсатилмоқда.

Банк капитали, жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, 103,2 фоиз ўсиб, белгиланган режага нисбатан 122,4 минг сўм зиёд бўлди ва ресурслар базаси 6726 миллион сўмни ташкил қилди. Юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб этишни кўпайтириш бўйича амалга оширилган ишлар туфайли эса юқори фоизли омонатлар аҳоли қизиқишининг ортишига сабаб бўлмоқда. Мазкур соҳада банкка жалб этилган маблағлар миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баравар ортдики, бу шу йилнинг бошидаги кўрсаткичга қараганда 70,4 фоиз кўпдир.

*Ислоҳот ва банк*

**— Ҳукуматимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтисодиётнинг ана шу устувор йўналишида банк томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Бу борада ҳам аниқ дастур асосида иш олиб бораяпмиз, яъни мижозларнинг таклиф ва истакларини ҳисобга олган ҳолда кредитлар ажратиляпти. Масалан, жорий йилнинг ўтган ўн ойида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 1124,2 миллион сўм маблағ берилиб, белгиланган режа 115 фоиз бажарилди. Бундан ташқари, ушбу соҳага бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан ҳам 280 миллион сўм ажратилди.

Қувонарлиси, кредит олиб, ўз фаолиятини кенгайтираётган тадбиркорлар сони кўпайиб бормоқда. Натижада нафақат уларнинг иқтисодиёти мустаҳкамланмоқда, балки республикамиз ички бозори маҳсулотлар билан тўлиб, қўшимча иш ўринлари ҳам ташкил қилиняпти. Хусусан, Бойсун туманидаги "Умид —Олам" кичик корхонасига жорий йилнинг 29 июнь куни спорт кийимлари, турли хил сочиқлар ишлаб чиқариш учун 30 миллион сўм кредит ажратилган эди. Айни кунларда 12 кишидан иборат жамоада лойиҳада белгиланган маҳсулотлар тайёрланмоқда,

Шўрчи туманидаги "Интер мебель" масъулияти чекланган жамиятига ҳам бундан олти ой муқаддам мебель ишлаб чиқариш учун дастгоҳлар сотиб олиш мақсадида 10 миллион сўм берилганди. Корхона томонидан ҳозир сифатли ва харидорлар эътиборини тортадиган диван, кресло ва стол-стуллар ишлаб чиқарилмоқда. Саккиз киши эса янги иш ўрнига эга бўлди.

**— Хориж сармоясини жалб этиш орқали ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар олиб кириш иқтисодиётнинг самарали усулларидан ҳисобланади. Мазкур йўналишда белгиланган режалар қай даражада самара беряпти?**

— Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банкининг дастурига кўра, Шеробод туманида ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликларига, уларга хизмат кўрсатаётган юридик ва тадбиркорлик субъектларига, маҳсулотни қайта ишловчи корхоналарга 324 миллион 883 минг сўм кредит ажратилди. Унинг 192 миллион 683 минг сўми жорий йилда берилди. Бу маблағлар ҳисобидан 16 та трактор ва кўплаб эҳтиёт қисмлар харид қилинди. Жойларда 32 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Шунингдек, банк томонидан кўрсатилаётган лизинг хизматлари ҳам қишлоқ хўжалигини техника воситалари билан таъминлашда қўл келмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида мазкур усулда жами 319 миллион 594 минг сўмлик техника воситалари сотиб олиниб, ширкат ва фермер хўжаликларига етказиб берилди.

Умуман, банк бошқармаси ўз фаолиятини универсаллаштириш, хориждаги янги молия бозорларига кириб бориш устида иш олиб бормоқда. Кўрсатилаётган хизматларни жаҳон андозалари даражасида ташкил қилиш ва мижозлар талабини қондириш эса жамоанинг асосий вазифаларидан биридир.

**"Халқ сўзи" мухбири Ҳосил КАРИМОВ суҳбатлашди.** t

«ЎЗПРИВАТБАНК» ЎХБ
Ватандошларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни билан муборакбод этади !
Барчага бахт, муваффақият, ёрқин келажак тилаймиз !



«Ўзприватбанк»ЎХБ,Тошкент ш.,Ўзбекистон шк.,51.
Тел.:120-63-08,139-10-18;www.uzprivatbank.com

## Ҳашардан тушган пул — ижтимоий ҳимояга

"Экосан" халқаро ташкилоти "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси билан ҳамкорликда «Меҳр ва мурувват йили» давлат дастури доирасида Хоразм вилоятига "Экосан" саломатлик ва мурувват поездини юборди.

Унда вилоятнинг кам таъминланган, ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳолиси учун 25 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдами— кийим-кечак, кўрпа-тўшак ғилофлари, дори-дармон, санитария-гигиена воситалари бор. Улар "Экология ва саломатлик кунлари"нинг учинчи босқичи доирасида "Орол оналари ва болалари" шиори остида ўтказилган умумреспублика экологик ҳашаридан тушган маблағга сотиб олинган.

**М. ТОЖИЕВА.**

«ҲАМКОРБАНК»
Азиз юртдошлар!
«Ҳамкорбанк» акциядорлик-тижорат банки сизларга янги омонат турини таклиф этади:
« Ҳаммабоп »
деб номланган ушбу омонатга 6 ой муддатга маблағларингизни қўйиб, йиллик 30,2%гача даромад олишингиз мумкин.
Энг кам бадал — 1000 сўм. Омонат бўйича фоиз тўловларини ҳар ой олишингиз мумкин.
Мурожаат учун телефонлар:
(8-3712) 45-62-33, (8-3742) 24-70-91.
«Ҳамкорбанк» — сиз учун ишончли ҳамкор.

O'ZSANOATQURILIShBANK
Кўпларни танишади — муносибларни танлашади !
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

# Зобитлар малакасини ошириш

*армиямиздаги ислоҳотларни жадаллаштиришга хизмат қилади*

Маълумки, ўтган йили миллий армиямиздаги ислоҳотларни янада жадаллаштириш, зобитларнинг билим ва кўникмаларини ошириб бориш мақсадида Қуролли Кучлар академиясида Президентимиз ташаббуси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори билан штаб офицерларини тайёрлаш олий ўқув курси ташкил этилганди.

Академияда тингловчилар махсус ишлаб чиқилган ўқув дастурларини ўрганиш жараёнида штаб ишлари маданияти, ҳарбий қурилиш ва миллий хавфсизликни таъминлаш, замонавий жангни режалаштириш, ташкил этиш ва олиб бориш, қўшинларни бошқариш борасида малакасини оширадилар.

Ўтган давр мобайнида мазкур курсни эллик нафардан зиёд зобит битириб чиқди.

Кеча Қуролли Кучлар академиясида штаб офицерларини тайёрлаш олий ўқув курсини тамомлаган навбатдаги тингловчиларга диплом топшириш маросими бўлди. Тадбирда мудофаа вазири Қ. Ғуломов сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган ушбу ўқув курси аҳамияти ҳақида гапирди, битирувчиларга омад тилади.

**Ўз мухбиримиз.**

# «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

## «СЮРПРИЗ» ЮТУҚЛИ ОМОНАТИ

**2004 йил 6 декабрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг "Сюрприз" ютуқли омонати бўйича 6-ютуқ тиражининг РАСМИЙ ЖАДВАЛИ**

### *Ютуқлар қуйидаги ҳисобварақ рақамларига чиқди*

| № | Ютуқ миқдори % да | Ҳисоб-варақ рақами | № | Ютуқ миқдори % да | Ҳисоб-варақ рақами | № | Ютуқ миқдори % да | Ҳисоб-варақ рақами | № | Ютуқ миқдори % да | Ҳисоб-варақ рақами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 25 | 4 | 26 | 25 | 257 | 51 | 100 | 508 | 76 | 25 | 750 |
| 2 | 25 | 16 | 27 | 50 | 267 | 52 | 25 | 516 | 77 | 200 | 761 |
| 3 | 25 | 21 | 28 | 25 | 279 | 53 | 25 | 524 | 78 | 25 | 777 |
| 4 | 25 | 31 | 29 | 25 | 289 | 54 | 25 | 538 | 79 | 200 | 782 |
| 5 | 25 | 46 | 30 | 50 | 293 | 55 | 50 | 540 | 80 | 25 | 791 |
| 6 | 100 | 50 | 31 | 25 | 300 | 56 | 25 | 557 | 81 | 50 | 803 |
| 7 | 25 | 65 | 32 | 25 | 318 | 57 | 25 | 563 | 82 | 25 | 817 |
| 8 | 50 | 77 | 33 | 25 | 329 | 58 | 25 | 575 | 83 | 25 | 820 |
| 9 | 25 | 82 | 34 | 25 | 334 | 59 | 50 | 584 | 84 | 50 | 839 |
| 10 | 25 | 96 | 35 | 25 | 342 | 60 | 50 | 597 | 85 | 25 | 842 |
| 11 | 25 | 101 | 36 | 25 | 356 | 61 | 50 | 603 | 86 | 25 | 856 |
| 12 | 50 | 119 | 37 | 25 | 368 | 62 | 100 | 615 | 87 | 25 | 869 |
| 13 | 25 | 123 | 38 | 100 | 374 | 63 | 50 | 628 | 88 | 50 | 877 |
| 14 | 100 | 137 | 39 | 50 | 380 | 64 | 25 | 636 | 89 | 25 | 883 |
| 15 | 25 | 141 | 40 | 25 | 393 | 65 | 25 | 649 | 90 | 25 | 891 |
| 16 | 200 | 152 | 41 | 25 | 406 | 66 | 100 | 650 | 91 | 50 | 901 |
| 17 | 50 | 165 | 42 | 100 | 411 | 67 | 25 | 668 | 92 | 25 | 915 |
| 18 | 25 | 179 | 43 | 25 | 420 | 68 | 50 | 671 | 93 | 25 | 922 |
| 19 | 25 | 184 | 44 | 25 | 435 | 69 | 50 | 683 | 94 | 50 | 931 |
| 20 | 25 | 197 | 45 | 50 | 448 | 70 | 100 | 692 | 95 | 25 | 948 |
| 21 | 50 | 200 | 46 | 25 | 454 | 71 | 25 | 701 | 96 | 25 | 951 |
| 22 | 25 | 213 | 47 | 25 | 465 | 72 | 25 | 715 | 97 | 25 | 961 |
| 23 | 25 | 229 | 48 | 25 | 474 | 73 | 100 | 729 | 98 | 25 | 979 |
| 24 | 25 | 239 | 49 | 25 | 486 | 74 | 25 | 738 | 99 | 100 | 982 |
| 25 | 200 | 244 | 50 | 25 | 497 | 75 | 200 | 740 | 100 | 25 | 991 |

**ИЗОҲ: Ютуқлар ушбу жадвалда фақатгина биринчи мингталик ютуқлик ҳисоблар бўйича кўрсатилган.**

Агарда ютуқли омонат бўйича ҳисобварақлар сони мингдан ошиқ бўлса, унда кейинги минглик ҳисобварақларида ҳам худди шу сонлар ютуқли ҳисобланади, худди биринчи мингталиқдагидек. Мисол учун ВС-4, ВС-1004, ВС-2004, ВС-3004 ва ҳ.к.

Ушбу жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб, "Ўзсаноатқурилишбанк" филиаллари унинг ёрдамида ютуқлар миқдорини ҳисоблаб чиқаради ва белгиланган тартибда ютуқ эгаларига тўлайди.

*Ҳайъат раиси*
*«Ўзсаноатқурилишбанк» бошқарув раисининг ўринбосари* — *Н.П.Козлова*
*Масъул котиб*
*Хусусий мижозлар билан иш олиб бориш бошқармаси бошлиғи* — *Н.Г.Эргашходжаев*

10246R/2744



# Асаларичилик маҳсулотлари кўргазмаси

Қарши шаҳрида асаларичилик маҳсулотларининг савдо-кўргазмаси бўлиб ўтди. Вилоят асаларичилар уюшмаси томонидан Европа Иттифоқи "EuropeAid" дастурининг "Ўзбекистонда қишлоқ иқтисодиётини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида ташкил этилган ушбу тадбирда бошқа вилоятлардан келган асаларичилар ҳам қатнашди.

Асални минг дардга даво деб бежиз айтишмайди. Айни пайтда асалдан замонавий тиббиётнинг кўпгина соҳаларида фойдаланилаётганлиги ҳам бунинг исботидир. Шу боис республикамизда асал етиштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Кўргазмада асал сифатини текшириш усуллари, ундан ишлаб чиқарилган доридармонлар, асал олишда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар намойиш этилди.

**Ўз мухбиримиз.**

**Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!**

**ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ**

## БУХОРО ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

**қурилишни тўлалигича (калити билан) қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича**

**ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| Т/р | Иншоот номи | Тугатиш муддати |
|---|---|---|
| 1. | Олот туманидаги қурилиши тугалланмаган маданият уйини 300/100 ўқувчига мўлжалланган педагогика коллежига айлантириш ва қайта қуриш (2-навбат) | 9,5 ой |
| 2. | Бухоро шаҳридаги коммунал хўжалик коллежининг 50 ўқувчига мўлжалланган ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарини қайта қуриш | 1,5 ой |
| 3. | Бухоро шаҳридаги индустриал-педагогик техникумни 600/100 ўқувчига мўлжалланган педагогика соҳасидаги коллежга қайта қуриш (2-навбат, ётоқхона қурилиши) | 3 ой |
| 4. | Бухоро туманининг Ғала Осиё шаҳридаги 1-сонли ҲТБЮни 600/100 ўқувчига мўлжалланган коллежга қайта қуриш (2-навбат, қўшимча ўқув блоки қурилиши) | 9,5 ой |
| 5. | Қоракўл туманининг Бобур кўчасидаги 300 ўқувчига мўлжалланган тиббиёт коллежи учун янги 100 ўқувчига мўлжалланган ётоқхона қурилиши (2-босқич) | 5 ой |
| 6. | Ғиждувон туманининг С.Айний номли ширкат хўжалигидаги мактабни 150/100 ўқувчига мўлжалланган маиший хизмат кўрсатиш коллежига қайта қуриш (2-босқич) | 8 ой |

***Буюртмачи — Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси.***
***Манзил: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 5-уй. Телефонлар: 223-63-26, 223-62-17.***
***Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.***

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: устав сармояси миқдори, танлов савдолари предметининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга ва материаллар захирасига, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга, ўзаро ишончга, тажриба ва кўникмага, шунингдек, етарли ишчи кучи захираларига ҳамда қобилиятига эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

**Манзил: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 5-уй, 18-хона.**
**Телефон: 223-96-29, факс: 223-97-51.**
**Оферталар юқоридаги манзилда соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Ҳужжатлар бир тўпламининг (комплект) қиймати — 50 000 сўм.

*Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро ш., И. Мўминов кўчаси, 1-уй, вилоят ҳокимиятининг кичик залида соат 10.00 да.*

ҲАРАКАТ ПЛЮС

**Корхона чет эл автоматикаси билан жиҳозланган 15 кВт. дан 2000 кВт. гача бўлган газ, электр, суюқ ва кўмир ёнилғиларида ишлайдиган сув иситиб берадиган қозонлар**

**ишлаб чиқаради ва сотади.**



**Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Чирчиқ ш., 16-А уй.**
**Телефонлар: 8 (371-71) 54-791, 54-062, 8 (371) 100-99-05.**
**e-mail: harakat_2004@mail.ru**

КАФОЛАТ 2 йил.

Маҳсулот сертификатланган.

# *Муқобил энергия табиатни асрайди*

Фориш туманининг Нурота тизма тоғларига туташ ҳудудида «Нурота-Қизилқум биосфера маскани» яратилаётгани кўпчиликка яхши маълум. Кўзланган асосий мақсад — табиатни асраш, ўсимликлар, ҳайвонот дунёсини бор ҳолича сақлаб қолиш.

Яқинда Ўхум қишлоғида бўлиб ўтган ўқув семинари ҳам худди шу масалага бағишланди. Аниқроғи, тадбирда тоғли қишлоқларда муқобил энергия манбалари яратиш ва улардан фойдаланиш хусусида сўз юритилди.

Семинарга таклиф этилган қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари қуёш коллекторлари, батареялари каби ускуналар ёрдамида турар жойларни иситиш тажрибаси қишлоқ шароитида нечоғли қўл келишини кўриб, ишонч ҳосил қилдилар. Бу борада Ангрен шаҳридаги «Муҳандис Плюс» корхонаси олиб бораётган иш тажрибаси билан танишдилар.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН
**ЛИНОЛЕУМЛАРНИ**
ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ.

**Улгуржи нархлар. Ҳар доим Тошкентдаги омбордан.**

Телефон 134-48-11.



**Автомобиллар ва ишлаб чиқариш хоналари учун емирилишга чидамли ТРАНСЛИН қопламаси.**

Товар сертификатланган

***Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!***
***Давлат акциядорлик-тижорат «АСАКА» банки***
***Сизларга ПЛАСТИК КАРТОЧКА – замонавий банк хизматларидан фойдаланишни таклиф этади!***



**«Асака» банкининг пластик карточкаси – бу:**

- Маҳсулот ва хизматлар учун тўлаш қулай бўлган самарали восита.
- Автокредитларга тез ва осон пул тўлаш.
- Ҳар ойда ўртача ойлик қолдиққа 2% даромад тўлаш.
- Карточка йўқолган ёки ўғирланган тақдирда Сиз пулингизни йўқотмайсиз.
- Харажатларингизни сарҳисоб қилиш жуда осон ва қулай.
- Барча турдаги карточкаларда суғурта қилиш кўзда тутилган.

**Бундан ташқари, «Асака» банки муддатли омонатларни миллий ва хорижий валютада таклиф этади:**

**Миллий валютадаги омонатлар**

6 ойдан 1 йилгача ........ 30% йиллик
1 йилдан 3 йилгача ........ 28% йиллик
3 йилдан 5 йилгача ........ 30% йиллик
"Орзу" (камида 3 ой) ........ 30% йиллик
"Наврўз" (2 ойга) ........ 36% йиллик
"Ниҳол" (3 ойга) ........ 38% йиллик
"Мадад" (1 йилга) ........ 36% йиллик
"Тақдим этувчига" (камида 3 ой) ........ 35% йиллик
"Умид" (камида 3 ой) ........ 30% йиллик
"Табассум" (45 кунга) ........ 36% йиллик

**Хорижий валютадаги омонатлар**

1 йилгача ........ 3% йиллик
1 йилдан юқори
1000 АҚШ долл. дан 5000 АҚШ долл. гача ........ 4% йиллик
5000 АҚШ долл. дан юқори ........ 4,5% йиллик

Маълумот учун телефонлар:
**120-83-14, 120-39-18, 144-56-55, 125-50-26, 120-84-07**



**Шунингдек, «Асака» банки** қимматбаҳо буюмларни сақлаш учун депозит қутичаларини ижарага беради, депозит қутича нархи унинг ҳажмидан келиб чиқади.

***«Асака» банкининг пластик карточкалари – бу жуда қулай, ишончли ва самаралидир!***

INTER PRESS 119 0000 107 0007 ГАЗЕТА ва ЖУРНАЛЛАР (8500 дан ортиқ номда) INTER-PRESS КИТОБЛАР (30000 дан ортиқ номда) 155 0955 155 3555

